



ТАСДИҚЛАЙМАН

Навоий шаҳар Ҳокими

Д.Б.Эргашев

2026 йил.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мактабгача таълим муассасани ташкил этиш бўйича лойиҳа концепцияси

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мактабгача таълим муассасани ташкил этиш
Тармоқ номи:	Мактабгача таълим
Лойиҳа тури:	Лойиҳа доирасида янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилиш.
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	Лойиҳалаштириш, капитал таъмирлаш, молиялаштириш, жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш ва давлат шеригига қайтариш (DBFOMT)
Давлат шеригининг номи:	Навоий шаҳар ҳокимлиги
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган	Навоий шаҳар ҳокимлиги
Лойиҳа амалга ошириладиган жойи:	Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Матонат МФЙ, Жасорат кўчасида жойлашган "Болалар-ўсмирлар футбол академияси бино-иншоотлари ва ер майдонлари.

II. Дастлабки танлов натижалари

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-537-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон "Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Матонат МФЙ, Жасорат кўчасида жойлашган "Болалар-ўсмирлар футбол академияси бино-иншоотлари ва ер майдонлари ўрнида мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш.

Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим соҳасида нодавлат секторнинг улушини кўпайтириш, мактабгача ёшидаги болаларни замонавий таълим технологиялари, мусика, спорт ва бошқа турли тўғарақларни ташкил этиш орқали ўрта таълимга тайёрлаш, юқори малакали ходимларни иш билан таъминлаш мақсадида Навоий шаҳар ҳокимлигининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи «NAVOI KIDS» МЧЖ томонидан ташаббус қилинган ушбу лойиҳани маъқуллади.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Қўшимча маълумотлар	
1.	Лойиҳанинг баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳа баҳолаш ҳужжати Хусусий ташаббускор томонидан ишлаб чиқилгандан сўнг давлат шериги томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган.

2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига ёки бир нечасига киритилганлигини кўрсатинг: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори ☒ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐ Бошқа ☐ Хусусий ташаббускор ☐ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги ПҚ-58-сон қарори		
3.	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа ☐ Йўқ ☒		
4.	Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган: Мазкур лойиҳа Бирлашган миллатлар ташкилотининг қуйидаги Барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади: 4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.		
5.	Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒		
6.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа ☐ Йўқ ☒		
7.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг (тўлиқ қувватда бир йилда кўрсатиладиган хизматлар ҳажми): • Бир йилда аҳолига 4 млрд сўмлик хизматлар кўрсатиш.		
8.	а) Лойиҳа қиймати: 10 587 160 минг сўм (капитал қўйилмалар) (882 263 АҚШ доллари)	б) Эксплуатация харажатлари: 1 153 583 (96132 АҚШ доллари)	в) Умумий харажат: 11 740 743 минг сўм (ҳисоб-китобларга кўра 978 395 АҚШ доллари)
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 15 йил (капитал таъмирлаш давридан ташқари)	д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 18 ой	
9.	а) Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов ☒ а) Эркин фойдаланиш учун тўлов ☐ Кўрсатилган хизматлардан тушган маблағлар (млн сўм) ; б) Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов: 4 млрд. сўм Эркин фойдаланиш учун тўлов: Даромадлар тақсмотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов: Лойиҳа доирасида ер майдони ажратилган тақдирда давлат шериги томонидан хусусий шерикка ДХШ тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга ва шартлар асосида ижарага берилади. Хусусий шерик ижарага берилган ер участкалари учун ер солиғи тўламайди, бироқ тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилган миқдорда ҳисобланади. Ижара ҳақини ҳисоблашда ер солиғига доир имтиёзлар инобатга олинади. Қўшимча фойда тақсмоти: Хусусий шерик томонидан ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтоз аҳолиси учун 72 та ўринга имтиёзли нархларда тарбияланувчилар қабул қилинади. в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:		

Давлат ташаббускори ☐ Хусусий ташаббускор ☒						
г) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ҳолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов: Лойиҳа қиймати (ҳисоб-китобларга кўра АҚШ доллари) 1 млн АҚШ долларигача бўлганлиги учун бир марталик тўлов инобатга олинмаган.						
10.	Хавф ёки хатарлар турлари	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг. Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.				
		Давлат шериги	Умумий	Хусусий шерик	Хатар тақсимоти асоси	Изоҳ
	Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар		•	•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуқсон хавфи			•		
	Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•				
	Молиявий хатарлар			•		
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)	•				
	Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•		
	Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар		•			
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		
	Лойиҳанинг сугуртасига оид хатарлар			•		
	Солиқ билан боғлиқ хатарлар		•			
	Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		•			
	Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				
	Давлат шеригига келишилган			•		

	тўловларнинг кечиктирилиши				
	Сиёсий бекарорлик хатарлари	•			
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар		•		
	Мулк реквизиция қилиш	•			
	Операцион хатарлар		•		
	Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)		•		
	Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар		•		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар		•		
	Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар		•		
11.	Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг. а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи): «NAVOI KIDS» МЧЖ б) Компания рўйхатдан ўтган Давлат номи: Ўзбекистон Республикаси в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга): Файзиева Наргиза Иброгимовна-50 фоиз, Файзиева Зарина Иброхим Қизи-50 фоиз улушга эга. г) боғланиш учун маълумот: Тел: 90 731-00-30 д) бизнеснинг қисқача мазмуни: Давлат структурасига киритилмаган тадбиркорлик субъекти. е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба: Тажрибага эга эмас. ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда: (Корхона 2026 йилда ташкил этилган) з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш: Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни, шу жумладан, компания низоми, йиллик ҳисоботларни ва охириги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхалари илова тариқасида тақдим этилади.				
12.	Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:				
		Сана			Сана
а)	<u>ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш</u>	<u>2026 йил III -чорак</u>	д)	<u>Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш</u>	<u>2026 йил III -чорак</u>
б)	<u>Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш агар номзод бўлса (масалан: тендер ҳужжатлари)</u>	<u>2026 йил III -чорак</u>	е)	<u>Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.</u>	<u>Заруратга кўра</u>
в)	<u>Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)</u>	<u>2026 йил III-чорак</u>	ё)	<u>Молиявий якунлаш</u>	<u>Тузилган битим кучга кирганидан сўнг</u>
г)	<u>Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)</u>	<u>Заруратга кўра</u>			

13.	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 426-сон қарорига биноан йилга 1.5 млн сўм.
14.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари қиради): 12 020 463 минг сўм
15.	Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг: • Бюджетга тушадиган инвестиция юки камаяди. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган 10,587 млрд сўмлик хусусий инвестиция давлат бюджетидан эмас, хусусий шерик маблағлари ҳисобидан жалб этилади. Бу давлат маблағларини бошқа ижтимоий ва устувор йўналишларга йўналтириш имконини беради. • Хусусий секторнинг инвестиция имкониятларидан фойдаланилади. Хусусий шерик ўз маблағини киритгани сабабли объектни ўз вақтида барпо этиш, самарали бошқариш ва даромадли ишлатишдан бевосита манфаатдор бўлади. • Давлат учун талаб хавфи камаяди. 360 ўринли МТТнинг тўлиқ тўлдирилмаслиги натижасида тушум камайиши хавфи, агар давлат томонидан минимал даромад ёки контингент кафолати берилмаса, асосан хусусий шерик зиммасида қолади. Бу давлатнинг шартли молиявий мажбуриятларини чеклайди. • Бошқарув самарадорлиги ошади. Хусусий шерикнинг замонавий менежмент, КРІ, рақамлаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва харажатларни оптималлаштириш механизмларини жорий этиши МТТ фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради. • Инфратузилмани тезроқ яратиш имконияти пайдо бўлади. ДХШ доирасида хусусий шерикнинг инвестициясини жалб қилиш орқали объектни қуриш/жиҳозлаш ва фойдаланишга топшириш жараёнларини самарали ташкил этиш мумкин. • Хизмат сифати учун хусусий шерикнинг манфаатдорлиги таъминланади. Шартномага сифат кўрсаткичлари ва КРІлар киритилиши натижасида хусусий шерик нафақат объектни сақлаш, балки болаларга кўрсатиладиган таълим ва хизматлар сифатини юқори даражада ушлаб туришдан ҳам манфаатдор бўлади. • Ижтимоий ва тижорат манфаатлари уйғунлашади. Лойиҳада 20 фоиз ўриннинг имтиёзли тўлов асосида ажратилиши ижтимоий вазифани таъминлайди, 80 фоиз оддий ўринлар эса хусусий шерик учун иқтисодий барқарорликни шакллантиришга хизмат қилади. • Хавфлар тарафлар ўртасида мақбул тақсимланади. Қурилиш, инвестиция, эксплуатация ва талаб билан боғлиқ хавфларни хусусий шерик зиммасига бериш, давлат томонида эса ижтимоий хизмат сифати, назорат ва шартнома ижросини таъминлаш вазифаларини сақлаш ДХШнинг асосий афзалликларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, ДХШ механизми орқали 360 ўринли замонавий МТТ ташкил этилади, аҳолига сифатли хизмат кўрсатилади, ижтимоий йўналтирилган 20 фоизлик имтиёзли ўринлар сақланади ва талаб/даромад хавфларининг асосий қисми хусусий шерик зиммасига ўтказилади. Натижада давлат, хусусий шерик ва аҳоли манфаатлари ўртасида мутаносиблик таъминланади.
16.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни, муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этишга қаратилган. Иқтисодий вазифалар • Лойиҳага 10,587 млрд сўм хусусий инвестиция жалб этилади; • давлат бюджетининг капитал харажатларга бўлган эҳтиёжи камаяди; • хусусий секторнинг инвестиция ва бошқарув салоҳиятидан фойдаланилади; • 360 ўринли МТТнинг самарали фаолияти орқали барқарор иқтисодий фаоллик шаклланади; • янги иш ўринлари яратилади; • ДХШ механизми орқали инвестиция, талаб ва эксплуатация хавфларининг бир қисми

	хусусий шерик зиммасига ўтказилади. 2. Ижтимоий вазифалар • аҳоли учун 360 ўринли мактабгача таълим хизмати яратилади; • мактабгача таълимга бўлган талабни қоплашга хизмат қилади; • ўринларнинг 20 фоизи имтиёзли тоифалар учун ажратилиши ижтимоий ҳимоя механизмларини таъминлайди; • замонавий таълим ва тарбия хизматларидан фойдаланиш имконияти кенгаяди; • ота-оналарнинг фарзандларини сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш имконияти ошади; • аҳолининг бандлигига, айниқса, ота-оналарнинг меҳнат фаолиятини давом эттиришига ижобий таъсир кўрсатади. 3. Инфратузилмавий вазифалар Лойиҳа доирасида: • янги 360 ўринли замонавий МТТ инфратузилмаси яратилади; • таълим хоналари, ошхона, санитария-маиший хоналар, ўйин ва дам олиш жойлари каби зарур объектлар ташкил этилади; • замонавий жиҳозлар ва рақамли бошқарув воситалари жорий этилади; • объектнинг узоқ муддатли эксплуатацияси ва техник ҳолати таъминланади; • энергия ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш имконияти яратилади. 4. Муаммоларни комплекс ҳал этиш Лойиҳа бир вақтнинг ўзида қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган: Хусусан, хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали давлатнинг молиявий юкини камайтириш, 360 та янги мактабгача таълим ўрни яратиш, ижтимоий имтиёزلарни таъминлаш ва замонавий инфратузилмани шакллантириш лойиҳанинг асосий натижалари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, лойиҳа жамоат манфаати, бюджет самарадорлиги ва хусусий сектор инвестициясини бирлаштирувчи комплекс ДХШ ташаббуси сифатида асосланиши мумкин.
17.	Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими? Ҳа ☐ Йўқ ☒
18.	Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ - фаолият тўлиқ рақамлаштирилади. - ҳудудда 360 ўринли янги мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилади.
19.	ДХШ объектига бўлган мулк ҳукуқи давлат шеригига тегишлими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Мулк ҳукуқи Навоий шаҳар ҳокимлигига тегишли.
20.	Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Хусусий шерик томонидан амалга оширилади.
21.	Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Маҳаллий ва хорижий тажрибалар асосида амапга оширилмоқда.
22.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐

	Хусусий секторга янгича ёндашув, янгича методлар кириб келади: 1. Стратегик бошқарув - Йиллик ва истикболли ривожланиш режаси, KPI тизими, бошқарув ҳисоботлари; 2. Рақамли бошқарув - Электрон давомат, болалар контингенти, тўловлар, ходимлар ва ҳисоботларни рақамли юритиш; 3. Таълим сифатини бошқариш- Таълим дастурлари бажарилиши, болалар ривожланишини баҳолаш, сифат мониторинги; 4. KPI асосида бошқарув- Директор ва педагоглар учун ўлчанадиган KPI; KPI натижаларига асосланган рағбатлантириш; 5. Молиявий бошқарув- Даромад ва харажатларни режалаштириш, бюджет интизоми, харажатлар самарадорлиги; 6. Инсон ресурсларини бошқариш- Ходимларни танлаш, малака ошириш, аттестация, меҳнат унумдорлиги мониторинги; 7. Ота-оналар билан ҳамкорлик- Қониқиш даражасини ўлчаш, электрон мулоқот, мурожаатларни кўриб чиқиш тизими 8. Хизмат кўрсатиш сифати- Овқатланиш, хавфсизлик, санитария, тозалик ва маиший хизматлар сифати; 9. Хавфларни бошқариш- Молиявий, операцион, ҳукукий, санитария ва хавфсизлик рискларини аниқлаш ва бошқариш; 10. Ички назорат- Доимий ички аудит, KPI мониторинги, камчиликларни бартараф этиш режаси; 11. Шаффофлик ва ҳисобдорлик- Молиявий ва операцион кўрсаткичлар бўйича мунтазам ҳисобот бериш; 12. Инновацияларни жорий этиш- Замонавий таълим технологиялари, STEAM элементлари, интерактив ва рақамли воситалар; 13. Энергия самарадорлиги- Электр, иссиқлик ва сув ресурсларини тежаш, энергия сарфи мониторинги; 14. Сифат бўйича сертификатлаштириш- Ички сифат стандартлари ва, заруратга кўра, халқаро/миллий стандартларни жорий этиш; 15. Ижтимоий инклюзия- Имконияти чекланган болалар учун мослаштирилган муҳит ва хизматлар; 16. Самарадорлик мониторинги- Ойлик/чорақлик KPI ҳисоботи, натижалар таҳлили ва тузатиш чоралари.
23.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Давлат шериги учун: • давлат бюджети ҳисобидан катта миқдорда бир марталик капитал харажат талаб этилмайди; • 10,587 млрд сўмлик хусусий инвестиция жалб қилинади; • замонавий МТТ инфратузилмаси яратилади; • давлатнинг асосий мақсади — сифатли мактабгача таълим хизмати кўрсатиш таъминланади; • талаб хавфи, агар давлат минимал даромадни кафолатламаса, хусусий шерик зиммасида қолади. Хусусий шерик учун: • 360 ўринли объектда хизмат кўрсатиш орқали узоқ муддатли даромад олиш имконияти мавжуд; • оддий ўринлар бўйича ойлик тўлов 1,4 млн сўм, имтиёзли ўринлар бўйича 330 минг сўм; • бошқарув самарадорлигини ошириш орқали рентабелликни таъминлаш имконияти яратилади; • хусусий инвестициянинг қайтарилиши ва даромад олиш механизми шартномада белгиланади. Аҳоли учун: • янги ва замонавий МТТ хизматидан фойдаланиш имконияти; • 20% ўринни имтиёзли тоифалар учун ажратиш орқали ижтимоий йўналтирилган хизмат;

	таълим ва хизмат кўрсатиш сифати ошиши.										
24.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкаси (бино)га зарурат борми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Матонат МФЙ, Жасорат кўчасида жойлашган "Болалар-ўсмирлар футбол академиясининг бўш ер майдонлари (6 646,58 кв.м.) давлат-хусусий шериклик битимиға мувофиқ ижараға берилиши зарур.										
25.	а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудға келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒										
26.	Давлат шериги томонидан амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш хажмларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш ☐ Газ таъминоти объектларини қуриш ☐ Электр таъминоти қурилмаларига қуриш ☐ Кириш йўллари ☐ Транспорт боғланиши ☐ Бошқа: Йўқ. Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, капитал таъмирлаш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.										
27.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳамда Хусусий шерик.										
28.	Ҳолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: Вазирлар Маҳкамасининг 720-сонли қарори иловасида белгиланган фонзлар миқдорида белгиланади. Ушбу лойиҳа қиймати 1 млн АҚШ долларидан кам бўлганлиги учун бир марталик тўлов назарда тутилмаган.										
29.	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. <table border="1"> <tr> <td>Маъсул этиб тайинланган шахс</td> <td>Давлат шеригининг масъул ходими</td> </tr> <tr> <td>Навоий шаҳар ҳокимлиги</td> <td>А.О.Ёркулов</td> </tr> <tr> <td>Лавозими</td> <td>Шаҳар ҳокими ўринбосари</td> </tr> <tr> <td>Телефон</td> <td>(+99879) 220-10-25</td> </tr> <tr> <td>Электрон почта манзили:</td> <td>shahar@nv.uz</td> </tr> </table>	Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шеригининг масъул ходими	Навоий шаҳар ҳокимлиги	А.О.Ёркулов	Лавозими	Шаҳар ҳокими ўринбосари	Телефон	(+99879) 220-10-25	Электрон почта манзили:	shahar@nv.uz
Маъсул этиб тайинланган шахс	Давлат шеригининг масъул ходими										
Навоий шаҳар ҳокимлиги	А.О.Ёркулов										
Лавозими	Шаҳар ҳокими ўринбосари										
Телефон	(+99879) 220-10-25										
Электрон почта манзили:	shahar@nv.uz										

